

# Имом Бухорий мажмуасига Муҳаммад Абдул Ҳамид бошчилигидаги делегация ташриф бурди



14:07 / 20.06.2019 2012

Бугун бутун дунё Ўзбекистон диёрини илм-маърифат маркази сифатида тан олмоқда. Айниқса, юртимизга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонлар ҳам бунга гувоҳ бўлмоқдалар. Шунингдек, зиёратчи меҳмонларнинг ташрифи кундан-кунга ортаётгани ҳам юртимиздаги ислохотларнинг нечоғлик тўғри эканлигини ифодалаб беради.

Жумладан, жорий йилнинг 18 июнь куни юртимизда меҳмон бўлиб турган Бангладеш Халқ Республикаси Президенти Муҳаммад Абдул Ҳамид бошчилигидаги делегация Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасига ташриф бурди.

Делегация аъзоларига ушбу мажмуанинг тарихи, маънавий-маданий ва диний-маърифий йўналишларда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ҳақида маълумот бериб ўтилди.

Маълумки, юртимизда сўнгги йилларда ушбу йўналишда жаҳон ҳамжамиятининг эътирофи, халқимизнинг эътибори ва эҳтиромига сабаб бўлган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бангладеш Президенти Самарқанддаги «Ҳазрати Ҳизр» комплекси зиёрати давомида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Юксак мартабали меҳмонга мажмуа бўйлаб манзарали экскурсия ташкил этилди. Шунингдек, олий мартабали меҳмонлар Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

***Islom.uz* портали таҳририяти**